

Набий алайҳиссалом рўзанинг айрим аҳкомларини баён қилишлари



14:34 / 22.02.2025 1473

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ишларига далил келтириш шарт эмас. Зеро, ушбу рисоланинг ўзи бунга яққол далил бўла олади. Улуғ олимларимиз ва имомларимиздан сўралган ёки талаб қилинадиган нарса шуки, улар одамларга Рамазон бошланишидан олдин ёки Рамазон ойи давомида рўза билан боғлиқ шаръий аҳкомларни тушунтириб беришлари, ҳар бир кишининг тоқати, кучи ва имконият даражасидан келиб чиққан ҳолда тарғибот олиб боришлари лозим. Мусулмонлардан умидимиз шуки, ҳар бир мусулмон бу муборак ойда дуч келиши мумкин бўлган ва рўза аҳкомларига алоқадор фикҳий масалаларни ўрганиши, китоб мутолаа қилишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки илм амалнинг асосидир. Илм амалдан аввал бўлиши лозим. Зеро, ким Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрмаган амални савоб умидида қилса, унинг амали қабул

бўлмайди.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазонда»

китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича
қўмитанинг 2021 йил 7 ноябрдаги 5516 рақамли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.